



IMPROVEMENT OF THE INSTITUTION OF THE INVESTIGATING JUDGE AND SOME ISSUES OF THE LIABILITY OF MINORS

Sandjar Abdusalolovich Dusmanov

(PhD), Teacher at the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
Department of Ensuring Prosecutor's Authority in Courts and Enforcement Proceedings
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Judicial reform, investigating judge, juvenile, law, improvement, proposals, defense, investigation, prosecutor, criminal liability.

Received: 01.07.25

Accepted: 02.07.25

Published: 03.07.25

Abstract: The article sets out the grounds and reasons for the introduction of the institution of the investigating judge, its advantages, powers in pre-trial proceedings and at the judicial stage, some problems arising in law enforcement practice, proposals to expand the powers of the investigating judge, improve national legislation, in particular in the issue of exemption of minors from criminal liability at the stage of pre-trial consideration of the case and analyzed the further prospects of this institution.

ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Санджар Абдужалолович Дусманов

(PhD)

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Судларда прокурор ваколатини таъминлаш ҳамда ижро иши
юритуви кафедраси ўқитувчиси
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Суд ислохотлари, тергов судьяси, вояга етмаган, ҳуқуқ, такомиллаштириш, таклифлар, ҳимоя, тергов, прокурор, жиноий жавобгарлик.

Аннотация: Мақолада тергов судьяси институтининг жорий этилиши асоси ва сабаблари, афзалликлари, ишни судга қадар юритиш ва суд босқичидаги ваколатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган айрим муаммолар, тергов судьяси ваколатларини кенгайтириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, хусусан ишни судга қадар кўриш

босқичида вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласида таклифлар берилиб, ушбу институтнинг келажакдаги истиқболлари таҳлил қилинган.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУТА СЛЕДСТВЕННОГО СУДЬИ И НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Санджар Абдужалолович Дусманов

(PhD)

Преподаватель Академии правоохранительных

органов Республики Узбекистан,

кафедра обеспечения полномочий прокурора

в судах и исполнительного производства

Тошкент, Ўзбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Судебная реформа, следственный судья, несовершеннолетний, право, совершенствование, предложения, защита, следствие, прокурор, уголовная ответственность.

Аннотация: В статье изложены основания и причины внедрения института следственного судьи, его преимущества, полномочия в досудебном производстве и на судебном этапе, некоторые проблемы, возникающие в правоприменительной практике, предложения по расширению полномочий следственного судьи, совершенствованию национального законодательства, в частности в вопросе освобождения несовершеннолетних от уголовной ответственности на стадии досудебного рассмотрения дела и проанализированы дальнейшие перспективы этого института.

Бугунги кунда, судлар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловни амалга ошириш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида давлат ва жамият ҳаётида муҳим роль ўйнамоқда. Судьяларнинг мустақиллиги кафолатлангани, ҳуқуқий низоларни ҳал этишда шаффофлик ва холислик таъминланаётгани, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг такомиллашаётгани суд тизимини фуқаролар ва жамият учун ишончли бўлган институтга айлантирмоқда.

Амалдаги Конституциямизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги ва суд қарорисиз улардан ҳеч ким маҳрум қилиш ёки чеклаб қўйишга ҳақли эмаслиги кафолатланган бўлиб, бу механизм инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг 20-моддасида, “инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир

ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.” деб белгилаб қўйилган.

Айнан, инсоннинг шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини янада кафолатлаш мақсадида Президентимизнинг 2024 йил 10 июнда қабул қилинган «Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан жиноят иши юритишга масъул бўлган шахслар рўйхатига “тергов судьяси” лавозими киритилди. Ҳар қандай янги институтнинг пайдо бўлишига ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллар таъсир қилади. Шу жумладан, тергов судьяси институтининг пайдо бўлишига ҳам юқоридаги омиллар билан бир қаторда, жамият ва давлатимиз ҳаётида юз бераётган жадал ўзгаришлар ҳам суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишни талаб қилмоқда.

Бизга маълумки, жиноят ишларида судга қадар иш юритиш босқичи – бу суд ишларини юритишнинг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, судьянинг айблов томондан тўпланган далилларни баҳолашга киришиши жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳал қилишда ҳолислигига шубҳа туғдирувчи жиддий таҳдид бўлиб, гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш асосларини белгилаган судья, унинг айблилиги масаласини ҳал қилиши мумкин эмас.

Судьянинг процесснинг бошланғич босқичидаги ҳар қандай ҳулосаси у ёки бу тарзда айблилик масаласига бориб тақалади, бу масалани ҳал қиларкан, судья қонунда берилган кўрсатмадан қатъий назар, жиноий таъкибга дахлдор бўлиб қоладди.

Суд назоратини амалга ошириш жараёнидаги, судьянинг ҳар қандай ҳулосаси судьянинг ҳолислигига қандайдир даражада таъсир қилишини инкор этиб бўлмайди.

Амалиётда, судья шахснинг айблилигига доир далиллар мавжудлигини ўргансада, фақат мазкур фикрини муҳокама қилмайди.

Маълумки, ЖПКнинг аввалги таҳрирга кўра, судьянинг ишни судга қадар юритиш учун масъул органнинг илтимосномаларини кўриб чиқиши ишни келгусида мазмунан кўришига монелик қилмасди.

Фақатгина, ишни мазмунан кўриш ва ҳал қилиш мажбуриятидан озод этилган судьягина суд назоратини ҳолис амалга ошириши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, 2025 йил 28 январда қабул қилинган янги қонун билан тергов судьялари томонидан судга қадар иш юритиш босқичида ўндан ортиқ процессуал қарорларга (илтимоснома) санкция бериш ва мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ ишларини кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби белгиланиб, эндиликда ишни судга қадар юритиш босқичида ишни кўрган тергов судьяси келгусида мазкур жиноят ишларни биринчи, апелляция, кассация ва тафтиш тартибида кўрмайдиган бўлди.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, тергов судьясининг ваколатлари белгиланиб, тергов судьяси якка ўзи иш тутиб, Кодексда назарда тутилган тартибда судга қадар иш юритиш босқичида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд назоратини амалга оширади. Шунингдек, мазкур қонун билан тинтув ўтказиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш ва улар орқали узатиладиган ахборотни олишни амалга ошириш, мол-мулкни хатлаш ҳамда қонунда белгиланган бошқа илтимосномаларни кўриб чиқиш асослари белгилаб қўйилди.

Суд амалиётидан барчамизга маълумки, жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритиш босқичида процессуал қарорларга санкция беришнинг энг кўп учрайдиган тури – бу қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ишлар ташкил этади.

Бироқ, бу тоифадаги ишлар амалдаги жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунига қадар жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьялари ваколатига кирган бўлиб, илгари судьялар томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда аксарият ҳолларда содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва гумонланувчи, айбланувчининг шахсидан келиб чиқиб, унинг айблилиги ҳақидаги масалани муҳокама қилмасдан илтимосномаларни қаноатлантирган.

Бизга маълумки, инсон қадри барча нарсалардан устун бўладиган жамиятдагина ривожланиш бўлади. Биргина нотўғри қамоққа олиниши ортидан шахс жуда катта зарар кўриши аниқ ва бу зарарнинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплашни имконияти йўқлигини ишни кўриб чиқадиган тергов судьялари ҳам билиб қўйишлари ва бу масалада жавобгарлик масъулиятини улар ҳам ўз зиммасига олишлари керак деб ҳисоблайман.

Тергов судьяси лавозими ташкил этилганига кўп бўлмаган бўлсада, унинг судга қадар иш юритиш босқичидаги ваколатлари ҳам ўзгардимиз ёки фақатгина янги ном берилиши билан чегараландими деган савол туғилади. Тўғри, жиноят-процессуал кодексига уларнинг ваколатларига муайян бир ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани билан, уларнинг иш кўриш тартиби, хусусан, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ишлар бўйича аввалги қонунлар ва шу соҳага доир қабул қилинган Пленум қарорида белгиланган тартиб асосида давом этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу сабабли ҳам, фуқароларнинг янги тузилмага бўлган ишончини янада ошириш, судга қадар босқичда ишларни юритишда шаффофликни таъминлаш орқали адолатли қарорлар қабул қилинишига эришиш учун миллий қонунчиликни босқичма-босқич такомиллаштиришимиз керак бўлади. Бу йўлда менимча дастлабки қадам сифатида тергов судьяси томонидан судга қадар иш юритиш босқичида қабул қилинган процессуал қарори устидан ишга дахлдор шахсларни юқори судларга фақатгина апелляция тартибида шикоят

билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан ташқари, уларга (агар дахлдор бўлса) битта инстанция билан чегараланмасдан кассация ва тафтиш тартибида шикоят қилиш ҳуқуқини ҳам белгиласак тўғри бўларди.

Мисол учун, тергов судьяси томонидан қамокқа олиш учун санкция берилганда, бу қарор устидан фақатгина апелляция тартибида шикоят берилади, бироқ апелляция ажрими устидан эса шикоят қилиш қонунда назарда тутилмаган.

Назаримизда, шахсга Конституция даражасида кафолатланган шикоят қилиш ҳуқуқини фақатгина битта босқич орқали чеклаб қўйишимиз тўғри бўлмайди.

Халқаро экспертлар ҳам жинойт ишини судга қадар юритиш босқичи устидан суд назоратини кенгайтириш кераклигини қайд қилганлар.

Суд назоратини тергов судьяси томонидан амалга оширилиши, ишни судга қадар юритишда ҳақиқий тортишув муҳитини яратади. Сабаби, ҳимоячининг илтимосномасини энди жиноий таъқиб ва ишни ҳал қилиш функциясини бажарувчи органлар ҳал қилмайди, бунда кучлар мувозанати яратилади. Бу ўз навбатида, жинойт процессида ҳимоячининг мавқеи ошишига, уни исботлаш жараёнида қатнашиш ҳуқуқини реал таъминлашга хизмат қилади. Сабаби, далилларни топиш ва мустаҳкамлаш юзасидан асосли илтимоснома рад қилинган ҳолларда тергов судьяси унга мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш имконини кафолатлайди.

Шундай қилиб, ишни судга қадар юритишда бир томондан тарафлар тортишуви принципи киритилса, иккинчи томондан далилларнинг ҳаққонийлиги киритилади, булар биргаликда биринчи инстанция судида тарафлар ўртасидаги эҳтимолий низоларни бартараф этилишини таъминлайди.

Тергов судьяси ишни судга қадар юритиш жараёнида келиб чиқадиган масалалар юзасидан ҳолис ва мустақил ҳакам бўлиши мумкин, чунки кейинги суд инстанцияларида одил судловни амалга оширишдан четлатилган.

ЖПКнинг 377-моддаси жинойт иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиққандан сўнг қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини кафолатласада, лекин аксарият ҳолатда терговчи томонидан бундай илтимосномалар рад қилинади (орасида асоссиз рад қилинганлари ҳам бор). Ҳимоячининг аксарият илтимосномаларида келтирилган важларга етарли эътибор қаратилмаслик ортидан ҳимоя ҳуқуқи расмийатчиликка айланиб қолади.

Амалиётда айрим адвокатлар ишни судга қадар юритиш учун масъул органлар турли баҳоналар билан уларнинг ҳимояни амалга ошириш бўйича фаолиятига тўсқинлик қилишидан шикоят қиладилар. Айниқса, тезкор қидирув фаолияти ва ишни судга қадар юритиш айнан бир орган томонидан амалга оширилганда бундай ҳолатлар кўп кузатилади.

Мана шундай вазиятларда процессуал мажбурлов чораларини қўллаш устидан суд назоратининг мавжуд бўлишлиги, тарафларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имкони беради.

Маълумки, ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлсада, далилларни тўплаш бўйича унинг ваколатлари чекланган ва ишни судга қадар юритиш учун масъул органлардан фарқли равишда давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланмаган. Мазкур ҳолат тарафлар тенглиги принципини амалда ишлашига тўсқинлик қилади.

Масалан, адвокатнинг экспертиза тайинлаш ёки ҳақиқатни аниқлашга қаратилган бошқа асосли илтимосномалари суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан асоссиз рад қилинган ҳолларда, мазкур масала суд назоратининг предмети бўлиши мумкин.

Суд назоратини Қозоғистон Республикаси суд амалиётида амалда қўллаш натижаларига кўра назорат доирасини янада кенгайтириш, яъни, адвокатларнинг ҳар қандай илтимоснома билан терговчига мурожаат қилиш механизмига чек қўйиб, мазкур илтимосномаларни тергов судьяси томонидан кўриб чиқилиши амалиётини жорий қилиш таклиф қилинмоқда.

Мазкур таклиф тарафларнинг тенглиги ва ўзаро тортишув принципини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам муҳим.

Назаримизда, тергов судьяси ваколатлари кенгайиши далилларни бир ёқлама тўплаш амалиётига барҳам беради, далиллар тортишув муҳитда тўплансагина уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги таъминланади ва келгусида ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Тергов судьясининг ишни судга қадар кўриш босқичидаги суд назорати билан боғлиқ ваколатларини кенгайтирилиши шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи тергов ҳаракатига барҳам берибгина қолмасдан, далилларни тўплаш жараёнида процессуал қонун нормаларига тўлиқ риоя қилиниши устидан самарали суд назоратини ўрнатиш имконини ҳам беради ҳамда суриштирув ва тергов жараёнида ўз ечимини топмаётган муаммоларни ҳал қилишга ҳам ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

Тергов судьяси нафақат конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи ёки тергов ва процессуал ҳаракатларга рухсат берувчи, балки иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда процесс иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи функцияларни бажарувчиси бўлиши керак. Шу боис, тергов судьясига судга қадар иш юритиш босқичида суд назорати билан боғлиқ қуйидаги бир қатор ваколатлар ҳам берилиши керак деб ҳисоблаймиз, хусусан:

- ишни судга қадар юритиш учун масъул органлар мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатларига нисбатан шикоятларни кўриб чиқиш;

- прокурорнинг илтимосномасига асосан процессуал мажбуриятларини бажармаган процесс иштирокчиларига нисбатан жарима солиш масаласини ҳал қилиш;

- ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатилган жиноят ишлари бўйича, олиб қўйилган мол-мулк ва ашёвий далиллар масаласини ҳал қилиш;

- ҳимоячининг ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилинганлиги юзасидан шикоятларни кўриб чиқиб, тарафлар тенглиги принципини таъминлаш;

- прокурор илтимосномасига асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаганларни жавобгарликдан озод қилиш ва ишни болалар масалалари бўйича комиссияда кўриш учун топшириш масаласини ҳал этиш (яъни, вояга етмаганни ЖКнинг 87-моддаси биринчи қисмида белгиланган асослар ва шартлар бўйича жавобгарликдан озод этиш ва ишни болалар масалалари бўйича комиссияда кўриш учун топшириш ваколатини фақат судларда бўлишини таъминлаш ва бошқалар.

Мазкур ваколатлар тергов судьясининг исботлаш ва ишни ҳал қилиш жараёнида бевосита қатнашишини аниқлатмайди, фақатгина тарафлар ўз функцияларини тўлиқ ва қонуний бажаришларини ҳамда жамиятнинг ҳимояга муҳтож бўлган қатлами ҳисобланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилган бўларди деб ҳисоблаймиз.

Янги институтнинг жорий этилганлиги – суд назоратини кучайтириш йўлида ташланган дастлабки қадам бўлиб, келгусида бу институтни янада такомиллаштириш, хусусан тергов судьясининг ишни судга қадар кўриш босқичида суд назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатларини янада кенгайтириш устида ишлашимиз керак бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги институтнинг жорий этилиши суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтиришга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлашга ва тергов жараёнларини янада шаффоф бўлишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. (<https://lex.uz/docs/6445145>);
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (<https://www.lex.uz/acts/111460>);
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси
5. (<https://www.lex.uz/acts/111453>);
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июндаги «Тезкор-кидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли

химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
ПФ-89-сон Фармони

7. (<https://lex.uz/uz/docs/6964387>);
8. Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш: Тергов судьялари ваколатлари ва фаолиятининг асосий йўналишлари. Амалий ўқув-қўлланма. Тошкент 2025.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил
10. 14 ноябрдаги “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасинининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 16-сон қарори.
11. (<https://lex.uz/uz/docs/1595235>);